

Ўзбекистон Республика товар-хом ашё биржасидаги кимё саноат маҳсулотларининг 20 декабрь санасидаги савдо яқунлари

// 20 dekabr 2021 йил

<https://pda.uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/birja20211220>

"Ўзкимёсаноат" акциядорлик жамияти Ўзбекистон Республика товар-хом ашё биржасидаги ўз савдо майдончаси орқали ташкилот тизимидаги корхоналар томонидан ишлаб чиқарилаётган кимё маҳсулотлари савдосининг 2021 йил 20 декабрь санасидаги якуни бўйича маълумотларни тақдим этади.

Жорий йилнинг 20 декабрь куни "Ўзкимёсаноат" АЖ тизимидаги корхоналар томонидан Ўзбекистон Республика товар-хом ашё биржаси очиқ биржа савдолари орқали 5639 тонна 13018,2 млн. сўмлик минерал ўғитлар сотилди. Ўтган ҳафта бу кўрсаткич юқори бўлган яъни 17 декабрь куни 13291,4 млн. сўмлик 5737 тонна минерал ўғитлар сотилган.

Биржа савдоларига ташкилот тизимидаги корхоналар томонидан ишлаб чиқарилаётган аммиакли селитра, карбамид, сульфат аммоний, аммофос, PS-Агро, калийли ўғитлар, суперфосфат азот-фосфорли ўғит каби маҳсулотлар қўйилди. Савдога қўйилган минерал ўғитлардан аммиакли селитра энг кўп сотилган маҳсулот бўлиб, сотувнинг 87,3 фоизини ташкил этди.

Шунингдек, "Ўзкимёсаноат" АЖ тизимидаги корхоналар томонидан минерал ўғитлардан ташқари бугунги кун саноатида кенг қўлланилаётган ПВХ, каустик сода, формалин, натрий гипохлорид, кальцинацияланган сода, азот кислотаси ва суюқ кислород каби бир қатор кимё маҳсулотларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Улар ҳам доимий равишда биржа савдоларига қўйиб борилади. 20 декабрь куни жами 4328,4 млн. сўмлик бошқа турдаги кимё маҳсулотлар сотилди. Ўтган ҳафта бу кўрсаткич паст бўлган, яъни 17 декабрь куни 1344,2 млн. сўмлик бошқа турдаги кимё маҳсулотлари сотилган. Сотувнинг асосий қисмини яъни 86,9 фоизини кальцинацияланган сода маҳсулоти ташкил этди.

Ўзбекистон Республика товар-хом ашё биржасидаги "Ўзкимёсаноат" АЖ савдо майдончаси орқали ташкилот тизимидаги корхоналар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар савдоси бўйича барча маълумотларни www.uzkimyosanoat.uz расмий веб-сайти ва ижтимоий тармоқлардаги <https://t.me/uzkimyosanoat> ва <https://www.facebook.com/uzkimyosanoat/> расмий саҳифалари орқали олишингиз мумкин.

Маҳсулотларни етказиб бериш ва уларнинг сифат даражаси бўйича таклиф ва эътирозларингиз бўлса, (78) 140-74-48 ишонч телефон рақамига мурожаат қилишингиз мумкин.

"Ўзкимёсаноат" АЖ Матбуот хизмати